

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 17 ноябрь, № 223 (5390)

Пайшанба

БУЮК САЛОҲИЯТИМИЗГА МУНОСИБ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Президентимиз Ислон Каримов 16 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази» биноси билан танишди.



Ислон Каримов дастлаб Симпозиумлар саройи билан танишди. Ириқ илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳаббатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Мазкур муҳташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳаббатли мармар устунлар, мовий гўмбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган ажодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.

Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришяётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юқсалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди. «Тошгипрогор» акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида «12-Трест» акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган «Маърифат маркази» биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдинда гўзал манзара намоён бўлади — марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-ашил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий манзарани бойитиш баробарида, ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Давлатимиз раҳбари саройнинг вестибули, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади. Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё таърибасида ҳали учрамаган гўмбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дараза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Зал, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компьютерлар интернетга симсиз уланган. Президентимиз «Маърифат маркази»да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди. Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, дунё илмий жамоатчилигининг диққат-марказида бўлган. Маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият юксак қадрланган. Мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга ҳизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ана шундай замонавий қошонага жойлаштирилгани ҳам мамлакатимизда маънавият ва маърифат улкан йўлида кўрсатилаётган урвоқ гамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намоёни бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Миллий кутубхонамизнинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси,

дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технология асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд.

Кутубхонанинг ўқув залларида электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, нота-музыка нашрлари, тадқиқотчилар учун алоҳида кулайликлар яратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, ушбу зиё маскани, авваломбор, ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга ҳизмат қилиши лозим.

Президентимиз кутубхона фаолияти билан танишар экан, унинг ишини мазмун жиҳатдан янада мукамаллаштириш, мавжуд тузилмани замона талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, бунда энг тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Кутубхона фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, китобхоналарга ҳизмат кўрсатишда аҳоли турли ёш қатламларининг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини эътиборга олиш, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Азим пойтахтимиз чиройига чирой қўшган «Маърифат маркази» ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади. У буюқ ажодларимиз бунёд этган боқий обидалар сингари Ватанимиз шухратини оламга ёйишга, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва камолга етишига ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири, Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг салмоғи кўламини таърифлашга сўз ожиз. Бу даврда юртимизда асрларга таътигулик бетимсол ишлар қилинди. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини, одамларнинг яшаш шароитини бундан йигирма йил олдинги ҳолат билан қиёслаганда бу янада яққол намоён бўлади. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, муҳташам қошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳаббатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар

юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизга қўйилган овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улғувор мақсадлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатиб турибди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланган жорий йилда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида маҳаббатли иншоотлар, шинам уй-жойлар бунёд этилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган «Маърифат маркази» халқимиз учун

муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган. Президентимиз Ислон Каримов 16 ноябрь куни мазкур иншоот билан танишди. Ушбу улкан қошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Пойтахт» бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида туташ ушбу худуд бетакрор ландшафт дизайни билан гоёта гўзал қиёфа касб этган.

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида бир йўла учта йирик тадбир — «Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan 2011» ва «Кимё саноати — Chemie Uzbekistan 2011» Марказий Осие, шунингдек, «Пластмассалар саноати — Plastex Uzbekistan 2011» халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.

САНОАТИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАРИ

хорижий мутахассисларнинг қизиқишини тобора орттирмоқда

Иқтисодийётимизнинг етакчи тармоқларини ўзида бириктирган мазкур нуфузли форум Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон саноати», «Ўзким» компаниялари, 201 йилда иш-лаб чиқариш кор-

нологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани ички бозоримиздаги рақобатбардош, сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан бойитиш имконини бераётди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида республикамизда мазкур соҳага ихтисослаштирилган

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Тошкентда 16 ноябрь куни Корея Республикаси билан Марказий Осие мамлакатлари ўртасида Сармойявий форум бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси, Корея Республикаси, Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистоннинг қатор вазирлиги ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий ва сармойявий соҳаларда ҳам изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган маз-

кур форум Корея Республикаси билан Марказий Осие давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда.

Анжуман

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармойявий шерикларидандир. Ўзаро ҳамкорлик даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодийётига киритилаётган

сармойянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўламалик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг жўроғий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қўлай сармойявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани кореялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентдаги Турин политехника университетидида «Хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти ва унда бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талабалар иштирок этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёллар, оналар ва болаларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу йўналишдаги кенг қамровли чора-тадбирлар, айниқ-

са, оналар саломатлигини асраш, ёш авлоднинг маълуман ва жисмонан баркамол бўлиб воёга етишларини таъминлаш масаласига юксак эътибор қаратилаётганлиги мисолида ўз ифодасини топаётди.

(Давоми 3-бетда).

Халқаро кўргазмалар

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида иқтисодийётимизнинг барча тармоқларида, хусусан, енгил саноатда улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, ушбу соҳада ҳар йили ўнлаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник ва тех-

хонаси фойдаланишга топширилгани бунинг яққол тасдиғидир. Айни пайтда «Ўзбекингилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналарда йилга ўртача 300 минг тонна калава ип, 150,4 миллион квадрат метр газлама, 56,4 минг тонна трикотаж мато, 136,4 миллион дона тайёр трикотаж буюмлари, 25,9 миллион дона пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, хари-дорларга етказиб берил-ётгани эътиборга лойиқ.

2011 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда хўжалиқларо ва хўжалик ичидagi коллектор-дренаж тармоқларида жами

59 миллиард сўмликдан ортик таъмирлаш-тиклash ишлари амалга оширилди.

даврида сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ажратилган ана шу маблағдан мақсадли фойдаланилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Гап шундаки, ўтган даврда 9939 километрлик ўрнига 10530,2 километрлик очик коллекторлар тозаланди, 585,6 километр узунликдаги ёпиқ-ётик зовур тармоқлари ювилди, 627 та вертикал кудук, 9 та мелiorатив насос агрегати, 19 та гертикошот, 830 дона қувурли ўтиш жойи ва 1108 та назорат кудуги жорий

Ҳосилдорликни ошириш гарови

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 мартдаги «2008 — 2012 йиллар мелiorатив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ажратилган ана шу маблағдан мақсадли фойдаланилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Гап шундаки, ўтган даврда 9939 километрлик ўрнига 10530,2 километрлик очик коллекторлар тозаланди, 585,6 километр узунликдаги ёпиқ-ётик зовур тармоқлари ювилди, 627 та вертикал кудук, 9 та мелiorатив насос агрегати, 19 та гертикошот, 830 дона қувурли ўтиш жойи ва 1108 та назорат кудуги жорий

ва капитал таъмирланди. Бу юмушларни бажаришга 490 та экскаватор ва 150 та бульдозер жалб этилди. Пудрат ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 20 миллиард сўмлик 205 та мелiorатив техника ва ускуна, шу жумладан, 69 та экскаватор, 21 бульдозер, 11 автотиркачи ва трейлер, 13 та кўчма ёнилғи қўйиш шохобчаси, шунча автокран, 22 та техник хизмат кўрсатиш машинаси ва 56 дона бошқа воситани харид қилиш режалаштирилган бўлса, январь — сентябрь ойларида, режага кўра, «Узелмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан махсулот етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар асосида 11,52 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди. Шунинг хисобига 158 та мелiorатив объектда пудрат ишлари, яъни қуриш ва реконструкция юмушлари рўёбга чиқарилди. Барча мелiorатив таъмирлаш ишлари бажарилишини таъминлаш ва сифатини назорат қилишда бюромтачи, лойиҳачилар, назорат органлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ташқари, Сув истеъмолчилари уюшмалари ходимлари ҳамда фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этганлари нафақат экин майдонларининг унумдорлигини ошириш,

балки деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва ҳаражатларни камайтириш имкониятини яратмоқда. Давлат дастури талабларининг ижроси туфайли республикамиз бўйича қарийб 1 миллион гектар сўғориладиган ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланиши, 350 минг гектар майдонда сизот сувлари сатҳи пасайтирилгани, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл туманидаги «Шерип Қурбан», «Шамшад Шурхан», «Т. Дониёр Нортот» фермер хўжалиқларида галла ҳосилдорлиги гектар хисобига 4,5-10 центнергача, Бухоро вилоятининг Бухоро, Вобкент, Жондор ва Пешку туманларидаги «Музаффар Сардор», «Тўлқун Т», «Нарзулла Абдусалом», «Убайдулло», «Галаба», «Фаттоев» ва «Жўра Нишод» фермер хўжалиқларида эса 4-10 центнергача органи шундан далолат беради.

Бундай ижобий далилларни пахтачилик бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин. Юртбошимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари йўлаган табриғида бу йил пахтачиликда эришган катта ютуқларимизнинг энг муҳим оммалари қаторида ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишларни алоҳида таъкидлаб ўтганлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуннинг "Ўзбекистонга" давлат-акциядорлик компанияси томонидан ижро этилишини ўрганиш натижаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда юртимизда қуёш, шамол, гидроэнергетика каби энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилаётгани қайта эътиборга олинди. — Бугунги кунда қуёш иссиқлиги

тараққиётида Маҳаллийлаштириш дастури катта аҳамиятга эга, — деди қўмита аъзоси Ж. Ниёзова. — Зотан, тизимда трансформатор ўра-малари, йўналишдириш аппарат кураклари, чизикли-занжирли арматура, метиза, зичлаштирувчи ҳалқалар каби зарур маҳсулотлар тайёрлашга доир еттига лойиха ҳаётга таътиқ этилади. Бу эса миллий иқтисодий тизим салохиятини оширишда айна мудоаодир.

Йиғилишда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 99,4 миллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани, бу белгиланган прогноздан 14,2 фоиз кўпчилигига тўхталиб ўтилди.

Қўмита аъзоси А. Бойқулловнинг фикрича, буларнинг барчаси энергетика тизими фаолияти барқарорлигини ошириш, аҳолини зарур ресурслар билан таъминлашни янада яхшилаш, янги иш ўринлари, ишлатилган электр энергиясига пул тўлаш учун қўлай шартлар яратиш, айна чоғда маҳаллийлаштиришнинг бу борадаги экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда энергия таъминоти янада яхшилаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимда дебиторлик қарздорликни қисқартириш механизми янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни самарали бартараф этиш, шунингдек, тегишли қўнунчиликни такомиллаштириш каби масалалар мулоҳазалар, тақдир ва тавсиялар билдирилди.

Сайджон МАХСУМОВ.

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг январь — июнь ойларида 780 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 360 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг саксондан зиёд компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машина-созлик, металл қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юротилади.

Форумда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодий-тига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари,

Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автотранспорт, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариши, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда мамлакатимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодий тизимни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. "Навий" эркин индустри-

ал-иқтисодий зонасида бизнес одамларининг эркин ва фаол иш юритиши учун яратилган кенг қўлайликлар, имконият ва имтиёзлар бошқа мамлакатлар қатори Жанубий Корея ишбилармонларини ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётди.

— Яратилган қўлай сармоявий муҳит Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, — деди Корея Республикаси Иқтисодиёт ва ташқи вазирлигининг департамент директори Ли Бён Чол. — Мамлакатингиз билан амалий ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан манфаатдоримиз.

Сармоявий форумда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг иқтисодий салоҳияти, Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли турмуш шартини тубдан яхшилаш, хусусан, уни электр энергияси билан сифатли таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий пойдевор яратилиб, ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туриши таъминланди. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш, энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш, тармоққа инвестиция жалб этиш учун қўлайликлар яратилди. Қолаверса, тизимга бозор механизмлари жорий қилинди.

Маълумки, "Ўзбекистонга" ДАК республикаимизнинг асосий энергия ишлаб чиқарувчиси ва таъминотчиси ҳисобланади. Бугунги кунда унинг таркибидagi электр станциялари қуввати 12 миллион кВт дан ошади. Тадбирда мазкур компания томонидан муайян ишлар амалга

оширилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим таътиқ этилади.

— Бугун ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини ривожлантириш, электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга эътибор қўйилди, — деди қўмита аъзоси К. Жумамуратов. — Айна пайтада бу борада 27 та лойиҳани ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Қўшимча равишда жойларда техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

электростанцияларини қуриш учун офтоб нурлини катта бўлган ҳудудларни танлаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда, — деди қўмита аъзоси А. Сулайманов. — Эътиборлики, Хоразм вилоятидаги 10 та қишлоқ врачлик пунктига электр ва дастуриламал бўлимоқда. Зеро, мазкур ҳужжатда умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 44 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш вазифаси қўйилган.

Парламент назорати

иссиқлик энергияси яратиш имконини берувчи қуёш коллекторлари ўрнатилмоқда. Уларнинг тўрттасида ишлар тўла якулди. Бундан ташқари, Тошкент вилоятида шамол билан ишлайдиган тажриба энергия қурилмасини ўрнатилмоқда. — Шу ўринда айтиш жоизки, соҳа

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда паст вольт электр тармоқларини модернизациялаш ва янгилаш дастури тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

САНОАТИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ИМКОНИАТЛАРИ

хорижий мутахассисларнинг қизиқишини тобора орттирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шу билан бирга, тизимнинг экспорт салоҳияти ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, компания томонидан ўтган йили 600 миллион АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, жорий йилда мазкур курсаткичи 800 миллион АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда.

Хориж мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамлашида ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу йилги тадбирда дунёнинг Беларусь, Ҳиндистон, Германия, Россия, Латвия, Хитой, Франция ва Польша сингари кўплаб мамлакатларидан 40 дан зиёд компания ишлаб чиқариш лийниси, хом ашёга ишлов бериш ускуналари, эҳтиёт қисмлари, бўёқ ва кимёвий воситалари, шунингдек, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлари билан иштирок этаётгани бунга мисол бўла олади.

Намойишлар майдонининг

"Кимё саноати — Chemie Uzbekistan 2011" ҳамда "Пластмасса саноати — Plastex Uzbekistan 2011" халқаро кўргазмаларига ажратилган қўшим ҳам қизиқувчилар билан жамғурувчи бўлиб, Австрия, Германия, Италия, Ҳиндистон, Хитой, Польша, Россия сингари кўплаб мамлакатлардан ташриф буюрган 35 дан ортик компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини тақдир этмоқда.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда кимё саноатига қаратаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур соҳа йилдан-йилга ривожланиб, юртимизнинг жаҳон кимё бозоридagi мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораёпти. Жорий йилнинг тўққиз ойида кимё ва нефть кимёси саноатида 11,9 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимидagi қорхоналар томонидан ишлаб чи-



қарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ниҳоятда юқори. Ана шу эҳтиёжни қўлай таъминлаш мақсадида кимё ва пластмасса саноатини яна тараққий эттириш бўйича кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилапти. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга таътиқ этилаётган 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур иқроси, таъбир жоиз бўлса, кимё саноатида янги уфқларни очиб берди. Унинг доирасида умумий қий-

мати 2,8 миллиард АҚШ долларлик 30 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда 7 та лойиҳа бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

— Биз мамлакатингиз иқтисодий таътиқ қўзғатиётган барқарор ривожланиши, айниқса, кимё саноатидаги ютуқларингиздан хабардоримиз, — дейди Хитойнинг "Tulan" компанияси бош директори Сюй Цзянь Жянь. — Шу боис Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топшиш ниятидамыз. Мазкур мақсадда кўргазмада кимё саноати учун замонавий технология линиялар, илҳам ускуналари намойиш этилди. Уларнинг савдоси бўйича кўплаб шартномалар имзолашдан умидворимиз.

18 ноябрга қадар давом этаётган халқаро кўргазмалар бундай амалий жараёнларга бой бўлиши, шубҳасиз. Чунки бунинг учун мавжуд павильонларда иштирокчиларга барча шарт-шароит яратиб берилган.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазмалар фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

Маҳаллий Кенгашларда

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар бандлигини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир. Шу боис вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳудудда бугун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни жаҳон андозлари асосида жиҳозланишига катта аҳамият қаратилмоқда. Вилоятдаги жами 52 та таълим муассасаси салкам 9 миллиард сўмлик замонвий ўқув-лаборатория, компьютер жиҳозлари билан таъминлангани бунинг яққол далилидир.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессияларида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш мунтазам муҳокама этилиб, ҳар бир масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган. Натижада ёшларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофазалаш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, касб-хунар коллежларини ўтган йили тамомлаган ёшларнинг 87,7 фоизи иш билан таъминланди. Битирувчиларнинг яна бир қисми олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттиришга тўла ҳақ билан шу-

ғуланишмоқда. Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёшларга 239 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

— Давра суҳбати депутатлар учун жуда фойдали бўлди, — дейди халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши ижтимоий-маданий ривожлантириш доимий комитетининг раиси Муҳаббат Мустафақулова. — Айниқса, тадбирда жойларда таълим самардорлигини ошириш, йигит-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича илғор тажрибалар ўрганилгани, бу борада тегишли тақдир-мулоҳазалар билдирилгани истиқболдаги фаолиятимиз учун айна мудоаодир. Дарҳақиқат, касб-хунар коллежларида касблар йўналишларини ишлаб чиқариш қорхоналари ва бошқа ташкилотларнинг ушбу мутахассисликларга эҳтиёжини чуқур ўрганган ҳолда шакллантириш мақсада мувофиқ.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида баркамол авлодни тарбиялашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъмин-

лаш ҳамда уларни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка жалб этиш, маҳаллий Кенгашларнинг таълим муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасида қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан биргаликдаги фаолиятини янада кучайтириш муҳимдир.

— Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини ўқиш пайтидаёқ ҳал этишга алоҳида эътибор

қаратаёلمиз, — дейди Сирдарё вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Рустамбек Турдиев. — Айниқса, "Коллеж — қорхона" ҳамкорлиги яхши самара бераёпти. Битирувчилар бўлажак иш ўринларига бориб, амалиёт ўтаётган. Ушбу масалаларни ҳал этишда маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давра суҳбатида баркамол авлодни тарбиялаш ва ёшларнинг бандлигини ошириш масалаларида таълим муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасида қилиш органлари фаолиятини устидан депутатлик назоратини кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш таъминлаш, "Коллеж — қорхона" бўйича иш олиб бориш самардорлигини юксалтириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда қўшимча чоралар қўриш зарурилиги алоҳида таъкидланди.

Ш. ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Зангиота туманидаги "Muzimpeks" қўшма корхонаси қарийб ўн йилдирки, заманимизда еттиштирилган мева-сабзавотларни қайта ишлаб, 20 йилга яқин хуштав маҳсулотларини юртимиз аҳолисига тортқ қилиб келмоқда.

«Muzimpeks» маҳсулотларига халқаро сертификат

Эътиборлики, эндиликда бу ерда тайёрланаётган қиём ва шарбатлар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан хориж бозорларига жўнатиладиган бўлди.

Гап шундаки, яқинда "Muzimpeks" "ISO-9001-2008" махсус халқаро сифат сертификатига эга бўлди. Бу эса жамоатга ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ҳуқуқини берди. Айна пайтада корхона ўрик, олча, смородина, малина ва олмадан тайёрланган сифатли ва шифобахш мураббо ҳамда қиёмлар билан бирга турли сабзавот маринатларини ҳам экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоламоқда.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яна бир қўлайлик

Андижон туманининг Гумбаз маҳалласида 3,5 минг нафардан ортик аҳоли истиқомат қилади.

Яқинда "Қурилиш-монтаж" қорхонаси бунёдкорлари икки километрдан ортик масофага қувур тортиб, маҳаллага ичимлик суви олиб келди. Мазкур хайрли иш учун 86 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Этироф этиш керакки, вилоятда шу йилнинг ўтган даврида 67 та маҳалла қорхоналаридаги зилзол суви кирди борди. Бунинг учун бир неча ўнлаб суви иншоотлари барпо этилди ҳамда 58,8 километрдан ортик суви тармоғи тортилди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт қўламини кенгаймоқда

Пойтахтимизда тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга иштирокчиларнинг "Жавоҳир Файз" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Бунинг учун 163 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ҳисобига хориждан илғор технология олиб келиб ўрнатилди. Натижада 80 кишининг иш билан бандлиги таъминланди, йилга 800 минг донга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлики, "Жавоҳир Файз" маҳсулотларининг асосий қисми "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилиниши режалаштирилган.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ эркин бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бозор муносабатлари босқичма-босқич ривожлантирилиб, мулкчиликнинг хилма-хил шакллариини уजूдга келтириш, рақобатни қарор топтириш, бошқарилган маъмурий-бўйруқбозлик усулларидан воз кечиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ПАЙ ФОНДЛАРИ

аҳолининг сармоявий фаоллигини оширади

Ўтган даврда қабул қилинган қонунлар иқтисодий тизимни янада либераллаштириш ва модернизациялашда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотлари орта қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида қайд этилганидек, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантки ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодий бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва манткий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилаётган бир қатор қонунлар қабул қилиниши ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ана шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инвестиция фондлари, бу — жисмоний шахсларнинг ўз пул маблағлари ва активларини бошқариш учун профессионал бошқарувчиларга топширилган бошқаришнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда жамоавий тарзда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун маблағларнинг

вестицияларига муносиб равишдаги улуши мавжуд бўлган ягона портфель сифатида шакллантирилади. Бу эса, ўз навбатида ушбу инвестиция портфелини профессионал бошқариш ва бу билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни диверсификациялаш ҳамда сарф-харажатларни камайитириш имконини беради.

Бугун халқаро амалиётда пай фондлари тобора ривожланиб, молия бозорининг муҳим институтларидан бирига айланган улгурди. Айна чоғда пай фондлари орқали жамоавий молиялаштириш инвестициявий бизнеснинг энг самарали усулларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда жамоавий тарзда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун маблағларнинг

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

қимматли қозғалар чиқариш ёки шартнома тузиш орқали жалб қилинишини қайд этиш лозим. Бунда кичик сармоядор-

дендлар, фоизлар ёки бошқа тўловлар тўлаш йўли билан қайта тақсимланади.

Инвестиция фондларини жа-

